Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 3 май, чоршанба • № 35 (10.711) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг қарорларига мувофиқ, миллий хавфсизлик масалалари бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий Хавфсизлик Кенгаши — хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича маслаҳат органи ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг аъзолари таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси муҳокамасига тақдим этиш учун «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 1 май

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 1995 йил 5 май куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 4 май куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган хорижий элчихона раҳбарлари ҳамда «Экосан» халқаро жамғармаси миссияси Орол ва Оролбўйи ҳудуди билан танишиш мақсадида Нукусга келди.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков қабул қилди. Суҳбат чоғида Орол денгизининг чекиниши оқибатида юзага келган экологик вазият, унинг оқибатлари ва бу муаммони ҳал этиш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Муаммоларни ечишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг жонбозлиги эътироф этилди.

«Экосан» халқаро жамғармаси Президенти Юсуф Шодиметов жамғарманинг Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш учун олиб бораётган амалий ишлари, келгуси режалари, шу йил сентябрда Нукус шаҳрида Орол муаммоларига бағишлаб ўтказиладиган халқаро анжуман тўғрисида гапирди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гуань Хэньгуан, Швецария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Пауль Випфли Орол — нафақат минтақа муаммоси, балки дунё дардига айланганини қайд этиб, экологик офатни бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамияти амалий ёрдам кўрсатиши лозимлигини таъкидладилар.

(ЎзА).

ВОҚЕАЛАР * ХАБАРЛАР * ЯНГИЛИКЛАР

ВИЛОЯТИМИЗ ҲАЁТИ: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ислоҳотнинг катта одимлари

БИЗНИНГ СУПЕРМАРКЕТЛАР

Бозор муносабатлари ҳар бир соҳа кишиларидан янгича тафаккур ва янгича изланишлар билан ишлашни тақозо этмоқда. Одамлар ўз қобилиятларини қанчалик намоён этишса, ишлари олға босаверади. Зеро, иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга ошиб бораётган шу кунларда кишилар аста-секин боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, ташаббускорлик ва тадбиркорлик билан ишлаш уларнинг фаолиятида муҳим ўрин эгалламоқда. Чунки, ҳаётимиз тобора ривожланиб бораётир, вазият ўзгариб, янгича ёндашувлар, қолипдан ташқари ечимлар излаб топилмоқда, муҳими бундай хислатлар иқтисодиётнинг барча соҳалари қатори савдо хизмати кўрсатиш жабҳасида ҳам қарор топмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарида фақат сифатли маҳсулот тайёрлаш бозор иқтисодиётининг асосий талаби бўлгани сингари савдо соҳасида аъло хизмат иқтисодиётнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб қолди. Вилоят савдо соҳаси ходимлари ислоҳотнинг ана шу талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз соҳаларида тинимсиз изланмоқдалар, жаҳондаги энг илғор мамлакатларда қўлланилаётган тажрибаларни ўрганиб, татбиқ этмоқдалар. Шуниси қувончлики, республикада биринчилардан бўлиб, Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида дастлабки супермаркет дўконлари ишга туширилмоқда. Қуйида ана шундай янги хизматлар фаолияти ҳақида ҳикоя қиламиз.

Вилоятимизда очилган янги супермаркетлар ҳақидаги мақолаларни 3-саҳифада ўқийсиз.

БИР ЙИЛДА ТЎРТ КОРХОНА

ХЎЖАЛИКДА ҳар куни 200 литр ёғ ишлаб чиқарадиган кичик корхона ишга тушди. Тикувчилик фабрикаси учун эса асос яратилмоқда. Германиянинг «Вемен» корпорацияси билан ҳамкорликда колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона барпо қилиш юзасидан шартнома имзоланди. Корхона қурилиши бошланиб кетди. Шакар заводи яқин кунларда маҳсулот бера бошлайди.

Бошқа кичик корхоналар ҳам ташкил этилмоқда. Бу яқин кунларда 140 дан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

М. Қаюмов,
Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» давлат хўжалиги.

КЎНГИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

ВИЛОЯТ касаба уюшмалари кенгаши Ғалаба байрами арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари учун тадбир ўтказди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган, оловли йилларни, қирғинбарот кунларни бошидан кечирган уруш қатнашчилари, фронт ортида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ғалабага муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари тўкин дастурхон атрофидан жой олдилар.

Давра иштирокчиларини вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси М. Тўлаганова шонли айём билан қутлади. Табаррук отахон ва онахонлар ҳар қандай ҳурматуэъзозга лойиқ эканликларини таъкидлаб, уларга эзгу ниятлар билдирди. Шундан сўнг ҳар бир байрам иштирокчисига совғалар топширилди.

Йиғилганларни вилоят ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова ғалаба байрами билан муборакбод этиб, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ҳақида тўхталди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюмалари кенгаши раиси Х. Жамолов иштирок этди.

Ангренлик ва паркентлик бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари кечага файз киритди.

З. ЖУРАЕВА.

АЁЛЛАРНИНГ ИШ СОАТИ ҚИСҚАРДИ... ЛЕКИН МАОШЛАРИНИ ТЎЛИҚ ОЛМОҚДАЛАР

ҲАЁТИЙ тажриба шуни кўрсатдики, қаерда ислоҳотлар изчил ва оқилона амалга оширилаётган бўлса, шу ерда умуманфаат даражаси юқори бўлмоқда. Буни концернимиз мисолида яккол кўриш мумкин. 1994 йилдан бошлаб очиқ акционерлик жамияти сифатида фаолият кўрсатаётган бизнинг жамоа ойлик, чорак йиллик режаларини ортиғи билан бажариб, дуруст натижаларни қўлга киритмоқда.

Мулк эгасини топгандан кейин даромадлар, олинадиган фойда ошди, муҳими меҳнат унумдорлиги ўсди, айни пайтда иш ҳақи ҳам шунга қараб кўтарилиб боряпти. Бугун корхоналарда ҳайдовчиларнинг ўртача маоши 2000-2500 сўмга етди. Ижтимоий ҳимоя бўйича имтиёзлар доираси янада кенгайди. Ўтган йилнинг ўзида ана шу мақсадларга концерн 4,5 миллион сўм сарфлади. Катта жисмоний куч талаб қиладиган жойларда ҳайдовчиларни корхона ҳисобидан 55 ёшдан пенсияга чиқариш, меҳнат таътилларини 24 кундан 40 кунгача узайтириш, улар учун давлат ихтиёрида бўлмаган ижтимоий суғуртани жорий қилиш тадбирлари амалга ошди. Ишчиларга кўп йиллик хизматлари учун қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди ва қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини арзон нархларда сотиб олишларига имкон яратилди.

Биз ички шароитимиздан келиб чиқиб 3 ёшгача болалари бўлган оналарга қўшимча ҳақ тўлаш йўлларини топдик. Ишлаб турган аёлларга ойликни сақлаган ҳолда иш соатини қисқартирдик. Бу эса соғлом авлодни тарбиялашда оналарга яратилган яна бир қулайликдир.

С. ЮСУПОВ,
«Тошвилюктранс» концернининг бош директори.

ТОШКЕНТДАГИ «Зенит» заводида видеомагнитофонлар ишлаб чиқариш бўйича конвейер бир маромда ишлаб турипти. Корхонанинг бу маҳсулоти кўпчилик чет элдаги шундай маҳсулотларга нисбатан анча арзон, айни вақтда сифати жиҳатидан улардан қолишмайди. Шунинг учун ҳам дўконлар пештахталарида туриб қолмаяпти. Ушбу суратда видеомагнитофонларни йиғиш конвейерида иш жараёнини кўриб турибсиз.

Г. КАЗЕННОВ олган сурат.

ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

БУГУНГИ кунда Оққўрғон туманида 260 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида уларнинг сони 80 тага кўпайди. Яқин кунлар ичида фермерлар сафига яна 30 нафар киши келиб қўшилади. Туман фермер (деҳкон) хўжаликлари уюшмасининг раиси Абдурасул Саидахмедовдан бу ўсишнинг боисини сўрадик.

— Илгари фермер, унинг жамиятда тутган ўрни ва ҳатто, иқтисодиётдаги салмоғи, ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас эдик, — деди у.— Мана, энди вақти-соати келди. Ислоҳот йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Одамларда ер, мулк эгаси бўлишга ҳавас ортди, истиқболга катта умид ва ишонч уйғонди.

Ҳақ гап. Одамлар дунёқарашида бугун ўзгариш катта. Ана шу ўзгариш мамлакат иқтисодида, меҳнатга муносабатда ва қишлоқларимиз ҳаётида катта ўзгаришлар ясаса, ажаб эмас.

Ҳ. НОСИРОВ.

ФАХРИМИЗСИЗ ФАХРИЙЛАР!

ШУ ЙИЛ 7 май куни вилоятимизнинг Олмалик шаҳрида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб катта байрам ўтказилади.

Эрта тонгдан шаҳарнинг марказий майдонида уруш фахрийлари карнай-сурнай садолари остида кутиб олинадилар. Уруш арафасидан бошлаб то Рейхстагга байроқ қадалгунгача бўлган даврҳақида ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томошада таниқли ва иқтидорли санъат мухлислари иштирок этадилар. Шундан сўнг байрам тадбирлари марказий майдон орқасидаги боққа кўчади. Бу ердаги хушманзара боғда бир пиёла чой устида суҳбат қурилиб, фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилади. Таниқли ўзбек миллий ашула ва рақс дасталари шу куни фахрийлар хизматида бўладилар.

Шаҳар маданият саройида «Нишонларни тақинг фахрийлар», «Сизга таъзим» мавзуларидаги концерт дастурларида вилоятимизда фаолият кўрсатаётган бадиий-ҳаваскорлик дасталари қатнашчилари ҳам иштирок этадилар. Ғалабанинг 50 йиллиги байрами кечга қадар сайилгоҳларда давом этади.

ҲУР ДИЁРНИНГ ҲУР ФАРЗАНДЛАРИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманининг «Политотдел» жамоа хўжалиги маданият саройида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб «Ҳур диёрнинг ҳур фарзандлари» номли болалар ижодиёти кўрик-беллашувининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда туманлараро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган Олмалиқ, Чирчиқ, Янгиобод шаҳарлари ҳамда Паркент, Чиноз, Юқоричирчиқ, Оққўрғон, Қуйичирчиқ ва Оҳангарон туманлари вакиллари қатнашдилар.

Шу куни 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар онаВатан, бахтли болалик ҳақида қўшиқ ва рақслар ижро этдилар. Болалар ижодиёти кўргазмалари ташкил этилди.

Оққўрғон туманидан «Қувонч» рақс дастаси рақкосаси Н. Сайдалиева, Паркент туманидан «Паркент гуллари» дастаси хонандаси Н. Маҳкамова ижросидаги чиқишлар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Якуний босқич ғолиблари Республика телевидениеси болалар ва ўсмирлар муҳарририяти ва вилоят маданият ишлари бошқармаси томонидан тақдим этилган ижодий ишлар кўриб чиқилгач, маълум бўлади.

Ш. ОБИДОВА.

«ОЙДИН»НИНГ ЙЎЛИ ОЙДИН

Бекобод шаҳридаги «Ойдин» тикувчилик корхонаси жамоаси ишларни бугунги кун талаби даражасида тадбиркорлик билан олиб бораётганликлари учун ҳам яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

Жамоа маҳсулот турларини кўпайтириб, сифатини яхшилаб бораётганлиги туфайли буюртмачиларининг кўпайишига эришмоқда. «Ойдин»да тайёрланаётган маҳсулотлар бошқа тикув муассасалари ва бозордагидан анча арзонлиги учун харидоргир бўлмоқда. Бугунги кунда бу ерда 50 нафарга яқин тикувчи турли матолардан ўн хилдан ортиқроқ турда сўнгги нусхадаги кийим-кечаклар тикмоқда. Улар шу ердаги тайёр кийимлар дўконида, шунингдек кўчма дўконларда харидорларга сотилади.

—Дастлаб ишларимизни юритиб олиш учун шаҳардаги болалар боғчалари, шифохоналари учун халат, кўрпа ва ёстиқ жилдлари тикдик, — дейди корхона раҳбари Малика Раҳматова. — Бу эса иқтисодий аҳволимизни бирмунча яхшилашга ёрдам берди. Айни кунларда эса заводлар, қурилиш ташкилотларидан тушаётган йирик буюртмалар асосида маҳсулот тайёрланмоқда.

З. ЗАБИХУЛЛАЕВА.

КУНИГА ЎН ТОННАДАН

ПЕЧЕНЬЕ чехи Янгийўлдаги «Лаззат» хиссадорлик қандолат ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи бўлинмаси ҳисобланади.

Цех жамоаси ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда ҳам бир маромда ишламоқда. Тинмай изланиш, хом ашёларнинг янги манбаларини топиш, имкониятларни бой бермаслик, аҳил ва иноқ жамоанинг куч-ғайрати бунинг омиллари бўлмоқда.

Шу туфайли ҳам ҳар куни савдо шахобчаларига етказиб берилаётган маҳсулот ҳажми ўн тонна атрофида бўлмоқда. Бундай ютуқларда М. Муллакаева, М. Охунова, З. Усмонова ва бошқа тажрибали қандолатчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

М. ҲАМИДОВ.

ВОҚЕАЛАР * ХАБАРЛАР * ЯНГИЛИКЛАР

ХИЗМАТЛАРИ МАЪҚУЛ, ЛЕКИН...

КУНИ КЕЧА аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг касбий байрами вилоятимизда ҳам кенг нишонланди. Айни пайтда вилоятимиздаги 445 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилишга, уларга зарур қулайликлар яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Мазкур корхоналарда 2 мингдан зиёд ишчилар меҳнат билан банд. Шу йилнинг биринчи чорагида аҳолига 11 миллион 231 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Аҳолига зарур бўлган рўзғор буюмлари ҳамда кундалик керакли нарсалар етказиб беришда Бўқадаги дурадгорлик буюмлари ҳамда мебеллар тайёрлаш цехи, Янгийўлдаги ёмғирпўш материалларидан курткалар тикувчи корхона, Тошкент туманидаги ўрин-тўшак ғилофлари, Зангиотадаги спорт кийимлари, Қибрайдаги суньий мўйнадан курткалар тикувчи, Пискентдаги гилам тўқиш, Ўртачирчиқдаги шиша буюмлар ясаб берувчи кичик корхоналар бир қадар ўз вазифаларини уддалаб келмоқдалар. Лекин, туман ва шаҳарлардаги маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўз ишлари кўлами ва сифатидан ҳозирча унчалик рози эмаслар.

Қишлоқлардаги ислоҳотлар туфайли хизмат кўрсатиш даражасини анча юқори савияга кўтариш — шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Одамлар ўзларига зарур нарсаларни буюртма қилиш учун ҳамон узоқ жойларга қатнашга мажбур бўлмоқдалар. Маиший хизмат кўрсатиш ходимлари бундай камчиликларни сезиб турибдилар. улар эндиликда ўз соҳасини замон талаблари даражасига кўтариш учун саъй-ҳаракат кўрсатмоқдалар.

У. РАҲИМОВ.

Шоира Зулфия - 80 ёшда

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ...

ЎЗБЕКИСТОН халқ шоираси, Меҳнат Қаҳрамони, халқаро «Нилуфар» мукофоти совриндори, халқимизнинг ардоқли фарзанди Зулфия 80 ёшга тўлди. Шу муносабат билан жойларда шоиранинг ҳаёти ва ижодига бағишланган турли учрашувлар, танловлар, мушоира кечалари бўлиб ўтмоқда.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва унинг Тошкент вилояти бўлими ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Тошкент аграр дорилфунунида ўтказилган «Зулфия издошлари» деб номлаган шеърият ва нафосат байрами ана шундай тадбирларнинг бири сифатида кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Байрамга дорилфунун ўқитувчи ва талабаларидан ташқари вилоятимизнинг деярли барча шаҳар ва туманларидан меҳмонлар шунингдек, ижод билан шуғулланаётган шоиралар таклиф этилдилар.

... Таниқли театр санъаткорлари Муҳаммадали Абдуқундузов ва Зуҳра Ашуровалар тадбир бошланганини маълум қилиб, уни очиб бериш учун республика Бош вазирининг муовини, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова сўз бердилар. Шундан сўнг адабиётшунос олим Умарали Норматов Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди, унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган бой ҳиссаси тўғрисида маруза қилди. Шунингдек, республика Олий Мажлиси Раиси муовини Бўритош Шодиева, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раиси Эркин Юсупов ва бошқалар Зулфия ҳақида дил сўзларини баён этиб, уни қутлуғ 80 ёши билан самимий муборакбод этдилар.

Саҳнада Зулфиянинг «Баҳор келди сени сўроқлаб...», «Ўғлим сира бўлмайди уруш», «Мушоира» сингари бетакрор шеърлари ёдга олинди, улардан намуналар ўқилди. Зулфия шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар эса таниқли ҳофиз Ўлмас Саиджонов ижросида янада салобат ва жозиба касб этди. Иқтидорли раққоса Рушана Султонова, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги дуторчи қизлар дастаси хонандалари ҳам чиройли рақслари ва куй - қўшиқлари билан йиғилганларни мамнун этишди.

Дорилфунунда ўтган мазкур адабий-бадиий кечанинг яна бир қимматли жиҳати шунда бўлдики, у вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва туманларида Зулфиянинг мухлислари ва издошлари кўп эканлигини намойиш этди. «Зулфия издошлари» танлови ана шунинг бир далилидир. Тадбирда ушбу танлов ғолиблари маълум қилинди. Улар — чинозлик шоира Анора Пардабоева, «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходими Зарифа Эралиева, Тошкент туманида яшаб ижод қилаётган Маҳмуда Валиевалардир. Улар сўзга чиқиб, шеърларидан намуналар ўқидилар. Ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва махсус эсдалик совғалари топширилди.

Кечада иштирок этган Зулфия бу қадар мазмунли ва чиройли ташкил этилган шеърият ва нафосат байрами учун ниҳоятда ҳаяжонда эканлигини изҳор этди. Ўтган умридан мамнун эканлигини, ҳали яна кўплаб шеърлар ёзажагини тўлқинланиб сўзлади, янги шеърларидан ўқиб берди.

Тадбирга аграр дорилфунун ректори, академик Эркин Шайхов Зулфия опанинг ижодига мухлис сифатида самимий баҳо бериб, дорилфунунда бундай хайрли тадбирларни кўплаб ўтказиш анъанага айланиб бораётгани, бу нарса келгусида ҳам давом этажагини айтди.

Хотира

ЯХШИ НОМ

Қисқа маълумотнома

Таниқли журналист Аҳмад Исмоилов (1915-1980) ўз фаолиятини 1933 йилда «Каттақўрғон ҳақиқати» газетасидан бошлаган. Сўнг Жиззах туманидаги «Социализм йўли», республика «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетаси, уруш йиллари эса Фарҳод ГЭСи қурилишида чиққан «Халқ қурилиши» газеталарида ишлаган. Кўп йиллар мобайнида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг масъул котиб ўринбосари, масъул котиби, муҳаррир ўринбосари бўлган. 1956-1960 йилларда Ўзкомпартия Марказий Қўмитаси матбуот шўъбасига бошчилик қилган. 1963-1980 йилларда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаган.

Аҳмад Исмоилов бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг котиби этиб сайланди. У Тошкент журналистлар ташкилотига ҳам раҳбар эди. А. Исмоиловга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган. Жиззах туманидаги Гандумтош қишлоғи, мактаблардан бири Аҳмад Исмоилов номи билан аталади.

ҲАР сафар Форобий кўчасидаги марҳум биродарларимиз оромгоҳига кирсам у кишини зиёрат қилмай кетмайман. Чунки улар билан ўн етти йил бирга ишлаб, ишхонада неча-неча тонгларни биргалашиб қарши олганман, ижод қувончлари ва машаққатларини бирга тотганман, ибратомуз ўгитларига қулоқ солганман.

Кўм-кўк арчалар доимо сокин шивирлаб турадиган йўлкадан ўнгга юриб пастга тушсангиз қора мармардан тийрак боқиб турган, кўкси орден ва медалларга тўла таниш сиймога дуч келасиз. Бу киши «Тошкент ҳақиқати»га энг кўп меҳнати сингган муҳаррир. Газетанинг ҳозир 10 минг 700 дан ортиқ сони босмадан чиққан бўлса, шундан 4 мингдан ортиқроғида А. Исмоилов имзоси турипти.

Неча ўн минглаб нусхада тарқалган тўрт минг сон! Бу тўрт минг бор кунлар тунга уланганн, тўрт минг бор бутун масъулиятни зиммага олиб, бутун фикр ва асабни бир ерга жамлаб, ҳаёт нафасини ўқувчига етказиш демакдир. Бунинг қанчадан-қанча заҳматлар ҳисобига дунёга келишини ҳақиқий газетачиларгина англаб етади.

Агар Аҳмад Исмоилов ҳаёт бўлганда шу қутлуғ айём кунлари 80 ёшини қаршиларган бўларди ва катта давранинг тўридан жой оларди. Бу даврага ҳамма соҳа ва касб кишилари келарди. Афсуски, аксар журналистлар қатори Аҳмад ака ҳам узоқ яшамади. Матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарманинг раиси, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири Зиёд Есенбоев «Ўзбекистон овози»да ёзган мақолаларидан бирида шундай хотирлайди: «Бутун ҳаётини, қалб қўрини газетачилик ишига бахшида этган атоқли журналист Аҳмад Исмоилов газетамизнинг жонкуяри эди... Каттани ака, кичикни ука, деб хизматдошларига намуна бўлди, кўп шогирдлар тайёрлади. Аҳмад Исмоилов ҳеч қачон соатига қараб, вақт билан ҳисоблашиб ишлаган эмас. Таҳририят унинг иккинчи уйи эди». Бу баҳода Аҳмад аканинг ижоди ва ҳаёти жамулжамдек туюлади менга.

Аҳмад ака билан ишлашнинг ҳам осон, ҳам ўзига хос қийин томони бор эди. Осонлиги шундаки, муҳарриримиз ҳар бир ижодкорнинг эркин бўлишини истар, уни ўззу кун ишлашга мажбур қилмас, маъмуриятчиликка, мажлисбозликка асло тоқати йўқ эди. Борди-ю, газетада бирон хато ёки нуқсон учраб қолса, бу менинг хатоим деб ўзи мардона бўйнига оларди. Қийин томони шундаки, ёзганларингни қаттиқ «ғалвир»дан ўтказарди. Ҳар бир сўз жойига тушган, ўрнида ишлатилган бўлиши керак эди. Муҳаррир сифатида эринмай таҳрир этар, ясама сўзлар, сохта, баландпарвоз жумлаларни «жини» ёқтирмасди. Котибиятдагиларни эса макет устида соатлаб ишлашга мажбур этарди. Сарлавҳа, шрифт, умумий сарлавҳа, суратлар жой-жойига тушмагунча босмахонадагиларни ҳам, котибиятдагиларни ҳам тинч қўймас, ўзи ҳам хотиржам бўлмасди.

У ёш қаламкашларга акаларча ғамхўрлик, мураббийлик ва устозлик қилган. Уларни меҳр билан тарбиялаган. Ана шу тарбияни олган қаламкашларнинг аксарияти ҳозир кўп жамоаларда мустақил бошчилик қилишмоқда. Ёзувчи Ўткир Ҳошимов, журналистлар Ҳабибулла Олимжонов, Эркин Эрназаров, Миракмал Миралимов, Фатҳиддин Муҳиддинов ва бошқа умидли қаламкашларни «Тошкент ҳақиқати»га ишга олган.

Газетада кенг жамоатчилик билан ишлашга алоҳида эътибор берарди. Шу туфайли ҳам «Тошкент ҳақиқати» ҳузурида ишчи-мухбирлар университети ва жамоатчилик асосида ҳарбий-ватанпарварлик бўлими ташкил қилинган. Бу бўлим махсус аскар саҳифалари тайёрларди. Ана шундай саҳифалар бир неча йиллар давомида узлуксиз чиқиб турди. Уруш фахрийлари ва Қаҳромонлари, таниқли саркардалар, ўзбек генераллари Файзулла Норхўжаев, Собиржон Охунжонов, Бурхон Сирожиддинов таҳриятга бот-бот келиб туришарди. Уларнинг уруш йилларига доир эсдаликлари, мақолаларини газетхонлар қизиқиш билан ўқир эдилар. Ҳарбийларнинг яқин дўсти Аҳмад Исмоилов собиқ Иттифоқнинг бош нашри «Правда» газетасида эълон қилинган ўз мақоласида «Тошкент ҳақиқати»нинг яхши тажрибасини кенг ўқувчиларга ёйган. Муҳарриримизнинг «Ўзбекистон» нашриётида «Газета ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси» рисоласи ҳам босилиб чиққан. Бу китобда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашнинг таркибий қисми эканлиги, бу мавзуни газетада ёритишнинг асосий шакл ва усуллари кўрсатиб берилган. Юртимиз мустақилликка эришган айни пайтда ўша яхши тажрибадан самарали фойдаланиш мумкин, деб ўйлаймиз. Аҳмад Исмоиловнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ҳижрон» қиссаси ҳам уруш даври ҳаётига бағишланган.

Бу собиқ муҳарриримиз ижодининг бир қирраси, холос. Унинг қишлоқ хўжалиги, халқлар дўстлиги, байналмилал тарбия, спорт мавзуларига ҳам алоҳида эътибор билан қараганлигини газетанинг ўша йиллардаги таҳламларини варақлаганда пайқаш мумкин.

Катта қалб эгаси, самимий инсон бўлган Аҳмад Исмоилов 1980 йил 65 ёшида орамиздан кетди. Уни дафн этиш маросимида Шароф Рашидов бошлиқ республиканинг ўша пайтдаги барча раҳбарлари қатнашдилар. Тошкентнинг Акмал Икромов кўчасидаги файзли хонадон келганларни сиғдиролмади. Пойтахт вилояти жамоатчилиги катта иззат-икром ва ҳурмат билан уни охирги йўлга кузатиб қўйди.

Аҳмад ака камтарона ҳаёт кечирарди. Ундан на хусусий ҳовли-жой, на машина, на бошқа бойлик қолмади. Фақат яхши ному, комил фарзандлар қолди. У уч ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Бир ўғли Шуҳрат — қўл тўпидан мамлакат спорт устаси, собиқ Иттифоқ биринчиликларининг бир неча марта чемпионлик медалларини қўлга киритган. Ҳозир ҳам шу соҳада фаолият кўрсатиб келмоқда. (Бу Аҳмад ака спортнинг ҳақиқий мухлиси эканлигининг таъсири бўлса керак). Катта қизи Динора ТошМИда шифокор-жаррох, кичиги Гуля техника дорилфунунида ўқитувчи, катта ўғли Фарҳод фан номзоди, доцент, кенжаси Баҳодир — ҳуқуқшунос, айни чоғда ишбилармонлик билан шуғулланади. Бугун — ана шу фарзандлар ва унинг кўпдан-кўп шогирдлари ўзидан яхши ном қолдирган ота ва устознинг қутлуғ 80 ёшини биргалашиб нишонламоқдалар.

С. МУСАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЙЎҚЛАШ БУРЧИМИЗ

Вилоят Қизил ярим ой жамияти фронтдан ғалаба билан қайтиб, тикланиш йилларида шу жамият сафида хизмат кўрсатиб, шу ердан нафақага чиққан фахрийларни қутлади.

— Шундай кунларда, — дейди вилоят Қизил ярим ой жамиятининг раиси Ф. Латипова, — фахрийларни ёдга олиб, уларни йўқлаш ҳам фарз, ҳам қарз. Шундай тинч фаровон ҳаётимиз учун кўксини қалқон қилган кишиларга қанча мурувват кўрсатсак ҳам кам.

Тадбир охирида фахрийларга жамият томонидан 200 сўмдан пул ва байрам совғалари топширилди.

А. РАИМОВ.

ҲАММАСИНИ ЎЗЛАРИ БАЖАРИШАДИ

Оҳангарондаги сабзавот ва меваларни қайта ишлаш корхонасида тайёрланаётган вино шиша идишларга қуйила бошланди. Бу ерда олма шарбатини идишларга қуювчи линия ҳам ишга тушиш арафасида.

Корхона жамоаси ўтган мавсумда қабул қилиб олган дала ноз-неъматларидан 1324 тонна памидор, 850 тонна олма, 255 тонна узум шарбати, шунингдек, 210 тонна томат пастаси ишлаб чиқарди. Шу пайтгача бу маҳсулотлар идишларга қўйиш учун янги Тошкент консерва заводига жўнатилар эди. Янги линиялар шарбатларни тўғридан-тўғри савдога чиқаришдан ташқари яна қўшимча йигирма кишини доимий иш билан таъминлаш имконини беради.

Н. ДУШАЕВ.
Тошкент вилояти.

ҲИССАСИ ОРТМОҚДА

Юқоричирчиқ туманида фермерлар сони 171 тага етди. Ўтган йилнинг ўзида туманда етиштирилган гўштнинг 164, сутнинг 115 тоннасини деҳқон хўжаликлари етказиб берди. Жун етказиб бериш 1300 килограмм кўпайди. Қорамоллар 765, йилқилар 205 бош кўпайди.

(ЎзА).

Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги

«БАХТ» ҚУЛОЧ ЁЗМОҚДА

Бозор иқтисодиёти тайёр ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг ўзаро рақобатга чидашини ҳозирги талабларга етказишни энг долзарб вазифалардан бири қилиб қўймоқда. Бунга эришиш учун эса тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўплаб замонавий кичик ва ўрта корхоналарни қуриш ва ишга тушириш, ишлаб чиқариш кучларини изчил ривожлантириб бориш зарур. Юқоричирчиқ тумани бу соҳада вилоятда салмоқли ўрин эгаллайди. Шу йилнинг ўзида бу ерда саноат салмоғи кескин ошди.

«Ўзбекистон» пахта тозалаш заводи, «Чинор» хусусий фирмаси, Янгибозор тикув-момиқ фабрикаси айниқса юқори натижаларга эришдилар. Ўтган йили тумандаги қишлоқларда маҳсулотларни қайта ишлайдиган 8 та, қурилиш материаллари, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 21 та кичик корхоналар, 3 та цех ва 8 та маиший хизмат нуқталари ишга туширилди. Бир йил мобайнида 800 га яқин янги иш ўринлари очилди. «Гулистон» жамоа хўжалигида деворбоп материаллар ишлаб чиқариш, сутни қайта ишлаш ҳамда мева ва сабзавотларни қуритадиган корхоналар фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳам сут заводи, вермишел ишлаб чиқариш цехлари ишлай бошлади. Булардан ташқари туман савдо ҳиссадорлик жамияти тизими ҳам ўнлаб янги цехларни фойдаланишга топширди. «Тошкент — Чан-Чун» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси маҳсулот тайёрлашга киришди. Ҳозир 14 киши меҳнат қилаётган бу корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, яна 100 та янги иш ўринлари вужудга келади.

ЯНГИБОЗОРДА масъулияти чекланган «Бахт—ЛТД» ҳиссадорлик жамияти — фирмаси ҳамда унинг қишлоқларда бўлинмалари очилганлиги туманда яна бир катта воқеа бўлди. Фирма ташкил топиши билан корхона бўлинмаларининг ўзида 140 киши доимий ишга қабул қилинди. Фирманинг ишсизларни иш билан таъминлашдаги ўрни ва роли катта эканлигини эътиборга олиб вилоят ва тумандаги масъул ташкилотлар унинг оёққа туриб олиши ва иши ривож топиб кетиши учун зарур ёрдам кўрсатмоқдалар. Вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси Бандлик жамғармаси ҳисобидан фирмага 400 минг сўм қарз берадиган бўлди. Меҳнат биржаси эса бош корхона ва унинг бўлинмаларида ишлаётган шогирдларни касбга ўқитишни йўлга қўйди.

Фирманинг бош корхонаси Янгибозордаги канап заводи биносида жойлашган. Унинг ишга тушганига энди 2 ой бўлди. Бироқ корхона жамоаси росмана меҳнат қилиб, дастлабки маҳсулотини савдо ташкилотларига чиқара бошлади. Корхонада 70 та тўқув дастгоҳлари ва 54 та тикиш машиналари ўрнатилган. Қишлоқлардаги 5 та бўлимада эса 100 та тўқув дастгоҳи ишлаб турибди. Уларда асосан қиз-жувонлар меҳнат қилмоқда.

— Ҳозирча жамоамизнинг асосий қисми шогирдлардан иборат, — дейди фирма раҳбари Жавдат Каримов. — Улар мустақил ишлай бошлагач ишлаб чиқаришни икки сменада ташкил этамиз. Бу эса иш ўринлари сонини яна 100-200 тага кўпайтириш имконини беради.

Корхона Сингапур ва Австрия фирмалари билан яқин алоқа боғлаган. Улар «Бахт-ЛТД»ни трикотаж ҳом ашёси билан тўла таъминламоқда. Корхона омборхонасида шу йилга етарли миқдорда калавалар ғамлаб қўйилган. Ж. Каримов яна 40 тонна юк йўлда келаётганлигини, улар етиб келгач ҳом ашё икки ярим йил давомида бемалол ишлашга етишини айтди. «Яна шуниси эътиборга лойиқки, — деди у, — 9 ой мобайнида барча ҳаражатларни қоплаймиз. Ҳозир тайёрланаётган маҳсулот бошқа корхоналардагига нисбатан анча арзонга тушмоқда».

Корхона омборхонасида яна 100 та тўқув дастгоҳлари навбат кутиб турибди. Уларни ўрнатадиган жой ҳам бор.

• Саноатлашган қишлоқлар
• Сингапурдан — Янгибозорга
• Сифати яхши, нархи арзон
• Ҳамма иш ташкилотчига боғлиқ

Шогирдлар тўқувчилик ва тикувчилик касбларини тўла эгаллагунча бу дастгоҳлар ҳам ўрнатилади. Кейин эса уларни қишлоқдаги бўлинмаларга кўчириб, чет эллардан юқори унум билан ишлайдиган ва янада сифатли маҳсулот тўқийдиган автомат ва ярим автомат дастгоҳлар келтирилади.

...Тўқув цехида икки қатор қилиб ўрнатилган дастгоҳлар бир маромда ишлаб турибди. Улар қўл билан бошқарилмоқда. Цех бошлиғи Зулфия Гарифулина Тошкентда 5 йил трикотаж ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб, бой тажриба тўплаган. Ҳозир ана шу тажрибалар унга асқотяпти. Цехдаги барча ёш тўқувчилар ва шогирдлар Зулфияни устоз деб биладилар. У ҳам ўз навбатида билганларини шогирдларига ўргатмоқда. Зулфия Гарифулина ким қандай ишлаётганлигини тушунтириб бораркан, бири-бирига икки томчи сувдай ўхшайдиган ёшгина қизларнинг ёнида тўхтади.

— Танишинг, булар Фотима ва Зуҳра Маткаримовалар, — деди у.— 8-синфни битириб тўқувчига шогирд тушишди. Бир ой бўлди дастгоҳни бошқараётганларига. Аммо ўқувлигина қизлар экан, тўқувчилик ҳунарини тез ўзлаштириб олишди. Эртаиндин мустақил ишлашга ўтказмоқчимиз. Улар билан ёнма-ён меҳнат қилаётган Чиннигул Тўхмирзаева ҳам бу ерга ишга келганига бир ой бўлди. Илгари пахта титиш фабрикасида ишчи бўлиб ишларди. Ёши 41 да. Аммо шунга қарамай тўқувчиликка қизиқиб, шогирдликни бўйнига олди. Мана ҳозир у ҳам бинойидек ишлаяпти. Ҳар куни 6 та калавадан трикотаж тўқишга муваффақ бўлмоқда.

Зулфиянинг умр йўлдоши Набиулла Гарифулин шу цехда созловчи бўлиб ишлайди. Набиулла ҳам цехдаги ёш созловчиларга устозлик қилмоқда. Илдар Абдураҳмонов ва Илдар Ҳабибулин унинг қўлида шогирд. Аммо Набиулла уларга олдин тўқувчилик касбини ўргатяпти. «Яхши тўқувчи бўлиб етишгандан кейингина уста созловчи бўлишлари мумкин», — дейди мураббий.

Тикувчилик цехи ҳам шу ерда жойлашган. Тўқилган трикотаж матолари бичувчи Фердаус Ҳабибулининг қўлидан ўтиб, тикувчиларга етиб боради. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ҳам кўплари бундан бир ой илгари меҳнат биржасидан ишсиз сифатида рўйхатдан ўтгандилар. Марзия Тожибоева 47 ёшида фирмага ишга келди. Насиба Шокаримова эса илгари «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчи бўлиб меҳнат қилгани сабабли «Бахт» фирмасига келгач атрофига ҳали бирор касбни эгалламаган ёш қиз-жувонларни тўплади, уларга устозлик қила бошлади.

Фирма бош корхонасининг бўлинмаларидан бири «Гулистон» жамоа хўжалиги клубида жойлашган. 20 та дастгоҳда ишлаётган 20 кишилик мўжазгина бу цехда Фотима Йўлдошева барча билганларини дугоналарига ўргатмоқда.

— Ҳар куни 120 та калава ишлатиб трикотаж тўқияпмиз, — дейди у. — Ҳатто шогирдлар ҳам ўз устозлари билан бемалол беллашиб меҳнат қилмоқдалар. Шулардан бири Рихси Бозорова яқиндагина Тошкентдаги чинни заводида ишларди. 5 фарзандли бу аёлга ҳар куни шаҳарга қатнаб ишлаш оғирлик қилиб, корхона бўлинмасида янги ҳунар ўрганишни маъқул кўрди. Ҳанифа Ҳакимова ҳам илгари жамоа хўжалигида ошпазлик қиларди. Мана энди шогирд тушиб ўзи учун янги касбни сидқидилдан ўрганмоқда.

— Биз учун янги иш ўрни очган тадбиркорларга раҳмат, — дейди Озода Йўлдошева. Корхонанинг бўлинмаси очилди-ю, шу ерга ишга кирдим. Шогирд эдим, мана энди мустақил ишлаяпман.

Корхона бўлинмаларидан яна бири «Соҳибқор» ишлаб чиқариш жамоа хўжалигининг идорасига жойлашган.

— Қишлоғимизда консерва, ҳом гишт ишлаб чиқарадиган цехлар бор, — дейди хўжалик раиси Бозорхўжа Эшонов. — «Бахт»нинг бўлинмаси ташкил топгани айни муддао бўлди. Аслини олганда консерва цехини ҳам кўп тармоқли «Бахт-ЛТД» фирмаси қуриб берганди. Янги корхоналар қишлоқда ишсизликнинг бархам топишига ёрдам берди. Сирасини айтганда ҳозир ишсиз колган кишининг ўзи йўқ. Кичик корхоналаримиз дарагини эшитган кишилар ҳатто Жумабозор поселкасидан келиб ишлайдиган бўлдилар.

— Ҳа, фирмамиз кўп тармоқли, — дейди унинг раҳбари Жавдат Каримов. — Трикотаж тўқийдиган корхона биз учун кенжа ҳисобланади. Фирмамиз ундан ташқари қурилиш, мебель ишлаб чиқариш ва бошқа бир қатор ишлар билан ҳам шуғулланмоқда. Республикамиз Президенти бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала — кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларга кенг имкониятлар яратиб бериш вазифасини қўйган эдилар. Биз туманда ана шу вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан ғоят фахрланамиз.

Ҳа, «Бахт» қулоч ёзмоқда. У қишлоқ кишиларини ижтимоий муҳофаза қилишга, уларни доимий иш билан таъминлашга ва юқори маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда.

Р. ҚОДИРОВ.

МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ шаҳарлар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз бугун. Уларнинг кўриниши кўпроқ миллий тус олмоқда. Кўп асрлик тарихга эга бўлган, ҳозир ҳам қадимда барпо этилган обидалари билан жаҳон халқларини лол қолдираётган миллий меъморчилигимиз қайтадан тикланмоқда, у янги қурилаётган каттакичик биноларда ўз аксини топмоқда, уларга жозиба, кўркамлик бахш этмоқда. Вилоятимизда бу соҳада қандай ишлар қилиняпти, умуман, шаҳарсозлик ва меъморчиликдаги устивор йўналишлар нималардан иборат? Вилоят меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси бошлиғи Алиб Анварович УМАРОВ бу ҳақда мухбиримиз М. МИРҲАМИДОВГА қуйидагиларни гапириб берди.

— Ҳозирги вақтда вилоятимизнинг қайси бир шаҳри ёки қишлоғида бўлманг миллий меъморчилик анъаналари тобора чуқур кириб бораётганлигини кўрасиз. Ҳар бир бино, у йирик саноат корхонаси ёки муъжазгина булишидан қатъий назар, шу асосда барпо этилаяпти. Айниқса, уларнинг ташқи кўриниши мафтункор, кўркам бўлмоқда. Биноларга нақшлар, ёғоч ўймакорлиги ҳамда миллий меъморчиликнинг бошқа усуллари билан пардоз берилмоқда.

Мустақиллик туфайли кенг йўлга қўйилаётган бундай ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ қатор шаҳарлар ва туманларда кўзга ташланиб қолди. Олмалиқда биноларга миллий меъморчилик усуллари билан сайқал беришга катта эътибор берилмоқда. Унинг кенг-тор кўчалари атрофида шундай қиёфа касб этган бинолар тобора кўпайиб бормоқда. Бозорлари, бекатларидаги ҳар бир бинони барпо этишда шу анъана қўлланилянпти. Паркент, Оҳангарон шаҳарлари, Чиноз, Зангиота туманларида, Тўйтепада ҳам янги қад кўтараётган ҳар бир бино қурилишида шунга амал қилиняпти, кўпгина эски иморатларнинг ташқи кўринини янгича тус олмоқда.

Бош бошқармамизнинг фаолияти кенг қамровлидир. Юқорида айтилганлар унинг бир қисмини ташкил этади. Ҳар бир бино қурилишидан бошлаб бутун бир шаҳарни бунёд этиш тартибини белгилаш, ҳар бир бино қаерда, жойига қараб қандай қуринишда қурилишини, йўллар, муҳандислик тармоқларининг утиш жойини белгилаб бериш ва бошқа шу каби ишлар билан мунтазам шуғулланади. Қуриниб туриптики, вазифамиз қийин ва мураккаб, айни пайтда мароқли ва шарафли ҳамдир.

Энг муҳими, ҳамма бинолар ва иншоотларни тўғри, мутаносиб жойлаштириш, уларнинг бирортаси ҳам умумий қуринишга путур етказмаслиги керак. Ҳа, бизнинг ишимизда хатога, палапартишликка умуман йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда кейинчалик уни тўғрилаб бўлмайди. Халқимизнинг етти ўлчаб бир кес, деган пурҳикмат нақлига доим амал қилишимиз керак. Шу сабабли ҳам ҳар соҳа мутахассислари билан мулоқотни йўлга қўйганмиз, ҳар бир масалани улар билан маслаҳатлашиб, кенг мажмуада ҳал қиламиз.

Ишимизда нечоғлик синчковлик зарурлигини кўрсатувчи бир мисол келтирмоқчиман. Яқинда шундай бир воқеа содир бўлди. Ҳузуримга қибрайлик тадбиркор Каримжон Бойжонов кириб келди. Ишбилармон тумандаги парандачилик фабрикаси ёнидаги иккита тўрт қаватли бино олдида дукон қуриш ва унда сабзавот, сут ва сут маҳсулотлари, музқаймоқ билан савдо қилишни йўлга қўйиш, шу атрофда вулканизация очиш нияти борлигини, бунинг учун лойиҳалар тайёр эканлигини айтди ва бу ишни бошлаб юборилиши учун рухсат берилишини илтимос қилди. Дуконнинг қурилишини фақат табриклаш мумкин, чунки бу ердаги иккита тўрт қаватли ва шу атрофдаги уйларда истиқомат қилувчилар учун анча енгиллик вужудга келади. Рўзғор учун зарур бўлган айрим озиқ-овқат маҳсулотларини узоққа бормасдан, шу ердан харид қилиш имконига эга бўладилар. Шу ердан катта йўл ҳам утади, демак йўловчилар учун ҳам қулай бўлади.

Лекин, лойиҳани тайёрлашда белгиланган тартибга тўла амал қилинмагани маълум бўлди. Иморатлар билан дукон оралиғида ўн метр қолдирилган эди, ваҳоланки у камида 12 метр бўлиши талаб этилади. Шуни ҳисобга олиб лойиҳага ўзгартириш киритилди. Вулканизацияни эса бу ерда ташкил этишга рухсат бермадик. Чунки, у атроф муҳитни ифлослантирувчи манба ҳисобланади. Шу сабабли яшаш жойидан анча узоқроқда жойлашиши лозим.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Илгарилари асосан йирик объектларни жойлаштириш билан шуғулланардик. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда майда бинолар қурилиши кўпаймоқда. Тадбиркорликнинг ривожланиши, ишбилармонларнинг кўпайиши шунга олиб келмоқда. Лекин, у қанчалик мўъжаз бўлмасин жойлаштирилишини ўйлаб кўриш зарур. Ҳар бир бино қад кўтараётган худуд албатта ўрганилади, бундан мақсад у шаҳарсозлик ва меъморчилик талабларига тўла жавоб бериши, қуриладиган худуд қиёфасини бузмаслиги керак. Ва, албатта, миллий меъморчилик анъаналарига амал қилиниши шарт қилиб қўйилади.

Кейинги йилларда қишлоқлар ва маҳаллалар гузарларини мажмуий қуришга катта аҳамият билан қаралмоқда. Чунки гузар қишлоқ ёки маҳалланинг дарвозаси, таъбир жоиз бўлса кўзгуси ҳамдир. Бундай жойларда қуриладиган ва аҳолига турли-туман хизмат кўрсатишга мўлжалланган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, чойхонаю ошхоналар ва бошқа шу каби корхоналар бинолари яхлит бир ансамблни ташкил этиши даркор. Карвонсаройлар лойиҳасини ҳам намуна сифатида тайёрлаб қўйдик. Шундай масканларни қуриш истаги бўлганларга бажонудил уни кўрсатишимиз мумкин. Карвонсаройлар эса илгари миллий шаҳарсозликнинг таркибий қисми бўлган, бундан буён у яна шундай бўлиб қолади, деган умиддамиз. Бунинг учун қўлимиздан келган барча ёрдамни беришга тайёрмиз. Албатта, унинг таркибида турли хил хизмат кўрсатиш ташкилотлари бўлади. Бундай масканнинг биринчисини Чиноздa қуришга тайёргарлик бошланди. «Ўзгипросельстрой» институти шундай лойиҳа-харажат ҳужжатларини тайёрлаяпти.

Бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олиб Тошкент туманининг Келес шаҳрида қуриладиган замонавий супермаркет дуконининг лойиҳаси тайёрланмоқда. Бундай дуконларда савдо хизмати ҳажми ниҳоятда кенг, маданият эса юқори даражада бўлади. Шундай дуконлар вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида ташкил этилди. У ҳар бир шаҳар ва туманда, жилла қурмаганда, биттадан бўлиши керак.

Якка тартибда уй-жой қуришни кенгайтириш энг катта муаммо бўлиб қолди. Уз маблағлари, жамғармалари ҳисобига уй қурувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиздан биридир. Турар-жойларни пала-партиш қуришга чек қўйиш, улар иложи борича қуримли бўлиши лозим. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан келишиб олдик: уйларни қуриш учун фақат ер берибгина қолмай, балки якка тартибда уй қурувчиларга уйлари зилзилабардош, мустаҳкам, кўркам бўлиши учун ҳар томонлама, шу жумладан, биноқорлик материаллари билан ёрдам беришни зиммаларига олишган.

Шаҳарсозлик ва меъморчиликда яна бир муаммо бор: жамоа хўжаликларининг бош режаси эскириб кетди. Улар бундан йигирма йил илгари тайёрланган эди. Бу режаларни янгилаш лозим. Шу билан боғлиқ бўлган бир мулоҳаза ҳақида тўхталиш жоиздир. Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ер кўп ҳолларда қишлоқдан анча узоқроқ жойдан ажратилмоқда. Бу хуторларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бундай манзилгоҳларни мухандислик иншоотлари билан таъминлаш ҳам қийин бўлади, уларга борадиган йўллар, ичимлик сув, электр, газ тармоқларини қуришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта ҳажмда маблағлар, материаллар керак бўлади. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда буни уддалаш деярли мумкин эмас. Шу сабабли мактаблар, болалар боғчалари, тиббиёт муассасалари жойлашган, муҳандислик тармоқлари мавжуд бўлган қишлоқлар ёнидан ер ажратиш лозим. Буни, албатта, ҳисобга олиш даркор.

Жамоа хўжаликлари бош режаларини янгилашлари керак. Улар ўн-ўн беш йилга мўлжаллаб тузилиши зарур. Тошкент туманидаги Собир Раҳимов ва М. Фозилов номидаги жамоа хўжаликларига бу масалада амалий маслаҳатлар берилди. Шунга риоя қилишса ҳар томондан ютадилар. Вилоятимиздаги барча жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига бу ишда ёрдам беришга тайёрмиз.

Барча шаҳарлар ва қишлоқларда янги муассасалар, корхоналар, уй-жойлар қуришда, уларнинг қандай ҳажмда бўлишларидан қатъий назар, миллий-меъморчилик анъаналарига амал қилиш вақти келди. Уларда миллийлик, миллатимизга хос анъаналар кўзга ташланиб туриши лозим. Ҳатто эшик, дераза ромлари, панжаралари, ёриттичлари ҳам миллий қуринишда бўлсин. Вилоятимизда бунинг учун зарур бўладиган барча биноқорлик материаллари бор. Оқсоқотада пардоз тоши — мармарсимон оҳак бор. Олмалиқ ғишт заводи ишлаб чиқараётган ғишт ҳар қандай бинога ҳам жило бахш этади. Мармар заҳираларининг кўплиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Уймакорлик, нақшинкорлик анъаналари кучайиб, кенгайиб бормоқда.

Шундай экан, ҳамма меъморчилик ишларимизда шу имкониятлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланайлик, миллийлик уфр этиб туришига, ўз жозибаси, мафтункорлигини тўла намойиш этишига эришайлик. Шу кунда бу меъморчилик ва шаҳар созлик олдида турган муҳим вазифадир. Бизнинг фаолиятимизнинг асосий мазмунини шу иш ташкил этади.

Суратларда: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ислоҳотнинг катта одимлари

БИЗНИНГ СУПЕРМАРКЕТЛАР

ГУЛБАҲОРГА БИР КЕЛИНГ!

ЎТГАН якшанба куни Янгийўл тумани маркази — Гулбаҳор қўрғонида супермаркет дўкони ишга тушди. Бу фақат туман савдо ҳиссадорлик жамияти ходимларининги эмас, шу билан бирга қўрғонда яшайдиган аҳоли учун ҳам катта воқеа бўлди. Пештоқига «Гулбаҳор супермакети» деб ёзилган, ташқи ва ички кўриниши ғоят жозибали икки қаватли дўконнинг шу куни ишга тушишини эшитган аҳоли эрта билан ўзларига керакли маҳсулотларни харид қилгани кела бошладилар.

— Илгари кўпи билан 800 хил халқ истеъмоли моллари билан савдо қилардик, — дейди дўкон раҳбари Ўлмас Машарипов. — Уларнинг деярли барчаси саноат моллари эди. Эндиликда эса дўконимизда асосий ўринни озиқ-овқат маҳсулотларига ажратдик. Умуман, нондан ширинликларгача, гилам ва поёндозлардан болалар кийимлари ва араваларигача савдо қиляпмиз. 1120 хил юқори сифатли маҳсулотларни савдога чиқардик.

Дўкондаги молларни асосан Янгийўл ва Тошкент шаҳарлари корхоналари ишлаб чиқарган. «Лаззат» қандолатчилик фабрикасининг 10 турдан ортиқ ширинликлари, ёғ-мой комбинатининг ёғ ва совунлари, консерва заводининг беш-олти хил сара маҳсулотлари, вино ва ичимликлар корхонасининг маҳсулотлари пештахталарга дид билан чиройли қилиб териб қўйилган. Атрофдаги жамоа хўжаликлари дўконга картошка, пиёз, бодринг, помидор, қўйинг-чи, турли хил кўкатларни ҳам етказиб беришган. «Совпластитал» қўшма корхонасининг ранго-ранг гулдасталари, чиройли ликопча ва турли хил идишлари дўкон ҳуснига ҳусн қўшиб турипти.

Супермаркет дўкони маъмурияти чет эл фирмалари билан ҳам шартнома тузиб, мол келтиришни йўлга қўйишган. Жумладан, Эрондан — чарм-кўн маҳсулотлари, болалар аравачалари, Арабистондан ширинликлар, кир ювиш воситалари, Польшадан атторлик буюмлари, Туркиядан гилам ва поёндозлар олиб келинди.

Сотувчилар қўли-қўлига тегмай савдо қилишяпти. Бежирим коржомалар кийиб олган қизлар чаққон-чаққон хизмат қилиб, харидорларни хушнуд этмоқдалар. Касса хизматчилари Елена Детинова ва Дилфуза Ҳасанбоевалар харид ҳақини тез ҳисоблаб чиқишаркан, ширинсуханлик билан «Яна келиб туринг» деб миннатдорчилик ҳам билдиришмоқда.

Бўлим мудири Гулнора Бойхутова илғари туман савдо ҳиссадорлик жамияти бошқарувида катта молшунос бўлиб ишлар эди. Супермаркет дўкони очиладиган бўлгач, шу ерга ўтиб ишлашни маъқул кўрибди. Тажрибали савдо ходими айни пайтда бу ердаги 18 нафар сотувчи қизларга мураббийлик ҳам қилаётир. «Биласизми, — дейди у, — дўконимиз супермаркет яъни олий навли моллар билан савдо қиладиган дўкон эканлигига қарамай маҳсулотлар нархи бошқа жойлардагидан нисбатан арзон. Эндиликда харидор фақат нархи арзон, аммо, сифатли молни сотиб оляпти. Молни қиммат қилиб, сотолмай ўтиргандан, тез сотиб, харидорни мижозга айлантириш — бозор иқтисодиётининг асосий талаби. Барака — аслида тез савдо қилишда. Биз ана шу қоидани мезон қилиб олганмиз.

— Режаларимиз катта, — деб унинг гапини давом эттирди дўкон раҳбари Ўлмас Машарипов. — Туман ва республикадаги барча корхоналар билан шартнома тузиб, мол келтиришни йўлга қўямиз. Воситачиларсиз ишлаймиз, албатта. Ана шунинг ўзи ҳам молни арзонлатиш имконини беради.

«ПАРВОЗ»НИНГ ПАРВОЗИ, «ГЎЗАЛ»НИНГ ЧИРОЙИ

ШУ КУНИ Қибрай туманида ҳам бир йўла иккита супермаркет дўкони харидорларга ўз эшигини кенг очиб қўйди. Уларнинг бири Тошкент — Чимкент шоҳ йўлининг ўнг томонида, Гулистон қишлоғида жойлашган бўлса, яна бири Қибрай тумани марказининг чорраҳасида очилди. Гулистон қишлоғидаги супермаркет дўкони илгариги универмаг биносида ташкил топди. Дўкон дастлабки кунданоқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Акцияларнинг асосий қисми ходимларга сотилди.

— 1550 хил молни савдога қўйдик, — дейди дўкон раҳбари Пўлатхўжа Мавлонхўжаев, — Туркиянинг «Баракот», «Нурафшон», «Улкар» фирмалари, Ўзбекистон-Италиянинг «Узинвест» қўшма корхонаси, Данияниинг бир неча корхоналари қаторида республикамизнинг турли вилоятларидаги корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини дўконимизга юборди. Шуниси эътиборга сазоворки, мамлакатимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилган ва сотилаётган моллар нинг сифати чет элникидан ўтса ўтадики, сира қолишмайди. Молнинг сифатли эканлиги савдо миқдорига ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Илгари кунига 10-12 минг сўмдан савдо қилган бўлсак, бугунги савдо ҳозиргача 50 минг сўмдан ошиб кетди.

Супермаркет дўконида 21 киши хизмат қилмоқда. Уларнинг барчаси ўз ишининг моҳир усталари, ширинсўз, тажрибали савдо ходимлари.

Дўконда харидорлар кўп. Улар махсус саватларни кўтариб, ўзларига керакли миқдорда маҳсулотларни сотиб олишмоқда.

— Супермаркет дегани жоннинг роҳати экан, — дейди харидорлардан бири — Гулистон қишлоғида яшайдиган Рихси Комилова. — Озиқ-овқат деб бир дўконга, кийим-кечак деб бошқа дўконга бориб ўтирмай, мана шу дўконнинг ўзидан истаган нарсани сотиб олиш мумкин бўлиб қолди. Нима харид қилдингиз, дейсизми? Набирамга аравача керак эди, чиройликкина экан, кўнглимга ёқди, шуни оляпман. Рўзғоримга шакар, ун зарур бўлиб қолганди, керагича харид қилдим.

— Ҳам арзон, ҳам сифатли. Муҳими дўконма-дўкон кезиб, вақт ўтказишдан қутулдик. Менимча бундай дўконларнинг сонини кўпайтириш керак, — дейди харидор О. Худойшукуров.

Қибрай савдо акционерлик жамиятига қарашли яна бир супермаркет дўкони туман марказидаги чорраҳанинг ёнида жойлашган. Унинг номи «Гўзал». Ички ва ташқи кўриниши чиндан ҳам гўзал экан. Дўкон раҳбари Бахтиёр Бурхоновнинг қайд қилишича, жами саҳни 408 квадрат метрли дўконга 1100 хилдан кўпроқ молни чиройли қилиб жойлаштиришга эришибдилар.

— Супермаркет деганларича бор экан, — дейди дўконнинг довруғини эшитиб Тошкентдан келган харидорлардан бири — Саид Сатторов. — Бу ерда биз излаган кўп нарсалар бор. Илгари бундай хизматни фақат чет эл киноларида кўрардик. Худога шукур, энди ўзимизда ҳам шундай хизмат кўрсатишяпти.

Дўконда харид қилинадиган моллар шундай тарзда жойлаштирилган эдики, бу ерга кирган киши албатта, ўзи истаган нарсани тез илғаб олиб, харид қилади. Гарчи маҳсулотларнинг аксарият қисми Тошкент вилояти туманларидаги корхоналарга тегишли бўлса ҳам уларнинг сифатлилиги, чиройли қутичаларга жойлаштирилганлиги харидорларнинг диққатини ўзига тортади. Дўкон пештахталарида Қибрай савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли қандолатчилик цехининг ва новвойхонасининг, шунингдек, Янгийўл, Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг маҳсулотларини кўриш мумкин. Молларнинг ярмидан кўпроғи озиқ-овқат, сабзавот ва қуруқ мевалар бўлса, қолгани саноат маҳсулотлари — гўдаклардан кексаларгачa бўлган кишиларнинг кийим-кечаклари, уй-рўзғор буюмлари. Дўконнинг ихчамлиги ва маҳсулотларнинг усталик билан жойлаштирилганлиги сотувчилар сонини анча қисқартириш имконини берибди.



КАТТА ТЎЙГА ТЎЁНА

ЧИРЧИҚ шаҳри ташкил топганига 60 йил тўляпти. Шаҳар катта тўй арафасида. Мана шундай кунларда Чирчиқнинг қоқ ўртасида замонавий, харидорлар дидига мос супермаркет дўконининг очилганлиги муҳим воқеа бўлди.

— Чирчиқ — ишчилар шаҳри, — дейди шаҳар савдо ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Исмоил Ўсаров. — Шундай экан, улар айни пайтда ғоят дидли ва талабчан харидорлар ҳамдир. Супермаркет дўкони уларнинг барча талабларига тўла жавоб беради, деб ўйлайман.

Дўконни кезар эканмиз, айни пайтда харидорларнинг сотувчилар билан мулоқотини, нималар харид қилаётганини эзмдан кузатамиз. Ва уларнинг бу ердан қуруқ чиқмай, нимадир харид қилиб кетаётганлигини кўриб, бошқарув раиси тўғри гапирганлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу дўконда ҳам молларнинг тури ниҳоятда кўп. Уларнинг аксарият қисми Чирчиқ шаҳри корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар. Савдо ҳиссадорлик жамияти қошидаги консерва ва колбаса цехлари ҳам бир неча хил маҳсулотларини дўкон пештахтасига чиқарибдилар. Суҳбатдошимиз ҳикоясида давом этади:

— Ёрдамчи хўжалигимиз ҳам бор, — дейди у. — Юз бош қорамол, минг бош қўй боқиляпти. Манави қўй ва мол гўштлари ўз хўжалигимиздан. Нархи анча арзон.

— Чет мамлакатлардан ҳам мол олиб келишни йўлга қўясизларми? — сўраймиз ундан.

— Ҳа, лицензия оляпмиз, Эрон ва Англия фирмалари билан шартномалар тузяпмиз. Кўп ўтмай бошқа мамлакатларга ҳам чиқиб, мол келтиришни режалаштирмоқдамиз. Уларнинг асосий қисми мана шу супермаркет дўконида сотилади.

Дўкон раҳбари Исҳоқ Саидов ташаббускор, изланувчан ходимлардан. Фақат дўкон орқали савдо-сотиқни уюштириш билан чекланибгина қолмай, турли ташкилий ишларга ҳам қўл урибди. Жумладан, бу ерда буюртма бўлими ташкил этилибди. Унда истаган киши туғилган кунига, тўйга ёки бошқа маросимларга буюртма бериши мумкин. Айтган кунида буюртмаси уйига етказиб берилади. Фахрийларга ва ногиронларга хизмат кўрсатиш бўлими ҳам ишлаб турибди. Беминнат хизмат қилаётган бўлим ходимлари шаҳарда яшайдиган фахрий ва ногиронларга ҳар куни телефон қилиб, қандай молларни олиб бориб бериш лозим эканлигини суриштиришади. Булардан ташқари дўконнинг келин-куёвлар, совғалар, маданий-эҳтиёжлар ҳамда фахрийларга мўлжалланган алоҳида бўлим-дўконлари ҳам ташкил этилган. Асосий дўконга қандай мол келтирилса бу дўкончалар ҳам шу хилдаги маҳсулотлар билан таъминланадилар. Супермаркет дўкони ходимлари ана шу тарзда ҳар ойда камида 2 миллион сўмлик савдо қилишни мўлжаллашмоқда. Бу илгари шу ерда жойлашган универмаг савдосига нисбатан деярли икки баравар кўпдир.

Режалар катта. Дўкон қошида новвойхона қурилмоқда, ичкарида эса болалар хонаси жиҳозланмоқда. Ота-оналар бирор нарса харид қилгунча ўз болаларини мана шу хонага қўйиб кетишлари мумкин. Бундан ташқари дўкон ёнида пулли автомобиль тўхташ жойлари барпо этилмоқда. Хуллас, мақсад — аҳолига аъло хизмат кўрсатиш.

«ТУРКИСТОН»ГА МАРҲАМАТ!

ҲА, Бўстонлиқ тумани савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли супермаркет дўконини «Туркистон» деб аташди. Дўкон очиладиган куни олдиндан хабардор бўлгани сабабли фақат туман маркази — Ғазалкент аҳолисигина эмас, узоқ-яқин қишлоқлардан ҳам кўплаб харидорлар келишди. Шунингдек дўконни маҳсулот билан таъминлаган «Бунёд» кичик корхонаси, уй-рўзғор-кимё, консерва, спиртли ичимликлар ҳамда сут маҳсулотлари корхоналари раҳбарлари ҳам шу ерда ҳозир бўлдилар. Ғазалкентда кичик корхоналар нечоғлик кўп эканлиги мана шу ерда яққол кўзга ташланди. Туман ҳокими А. Абдувосиқов гапни чўзиб ўтирмади-да, тўпланганларни ичкарига таклиф қилди. Дид билан безатилган дўкон залларидаги пештахталарга сархил маҳсулотлар ва сифатли моллар қўйилган. Озиқ-овқат бўлимида 15 хил нон маҳсулотлари, 10 хилга яқин колбаса, ёғ ва балиқлар, беш-олти хил маргарин, беш хил пишлоқ, хуллас, ҳамма нарса харидорга мунтазир ва манзур.

Яна бир янгилик: ёғ ҳам, колбаса ва пишлоқлар ҳам, қўйинг-чи, барча маҳсулотлар ҳар бири 100 граммдан бир килограммгача чиройли пакетларга солинган. Ҳар ким ўзига керагича харид қилиши мумкин. Пештахталар бўшаши билан сотувчилар ичкаридан янги-янги молларни олиб чиқиб, тахлаб қўйишади. Маълум бўлишича, дўкон маъмурияти Ғазалкентдаги ўнга яқин корхоналар, шунингдек, узоқ-яқиндаги жамоа хўжаликлари билан ҳар куни янги маҳсулот келтириб туриш тўғрисида шартнома тузибди.

Дўкондаги молларнинг тез сотилиши айни пайтда корхона ва хўжаликларнинг юборган моллари сифатини ўлчайдиган мезон ҳам бўлаётир. Эндиликда қайси корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқарса, иши ривож топиб боришини ҳамма билади. Бозор иқтисодиётининг ана шу мезони нақадар муҳим эканлигини барча жамоаларга тушунтириляпти. Дўкондаги маҳсулотлардан ҳам кўриниб турибдики, меҳнат жамоалари ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, бу ишнинг уддасидан чиқмоқдалар. Халққа хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилаш муҳим эканлигини эътиборда тутиб, Чорвоқ қўрғони ва Бурчмулла қишлоғида ҳам мана шундай супермаркет дўконларини очиш режалаштирилган. Ҳозир бу дўконлар жиҳозланмоқда. Насиб этса яқин кунларда у ерларда ҳам харидорлар хушнуд бўлади.

Тошкент вилоятида бозор муносабатларини жорий этишга интилаётган ишбилармонларга кенг йўл очиб берилмоқда. Уларга ўз ҳуқуқ ва кафолатларидан тўла фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётир. «Тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга бугун республикамизнинг иқтисодий тараққиётини таъминловчи омил сифатида қарашимиз ва қонунчилик фаолиятимизда ҳам бу соҳага худди шу нуқтаи назардан ёндашмоғимиз даркор», — деб таъкидлади Республикамиз Президенти И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида. Вилоятда юртбошимиз маърузасида қўйилган вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётир. Биз юқорида ҳикоя қилган савдо соҳасидаги янгиликлар ана шундан далолатдир. Бу йўлда изланишлар давом этмоқда. Яқин кунлар ичида бошқа туман ва шаҳарларда ҳам аҳолига аъло сифатли хизмат кўрсатадиган янги супермаркет дўконлари очилиб, харидорларни ўз бағрига чорлай бошлайди.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ғалабанинг 50 йиллиги

1945 1995

Фашизмга қарши урушнинг дастлабки кунлариданоқ жангчиларга ўқ дори, пулемёт, бомба ва бошқа қуроллар қанчалик зарур бўлса, маънавий қурол бўлган матбуот ва адабий асарларга ҳам эҳтиёж шунчалик сезилди. Бу эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, фронтларда миллий тилларда чиқадиган фронт газеталари ташкил этилди. 1942 йилнинг охирларида ўзбек тилида ҳам фронт газеталари чиқа бошлади.

АДҲАМ РАҲМАТ ЖАСОРАТНОМАСИ

Урушгача узининг шеърий ва насрий асарлари билан кенг ўқувчиларга танилиб қолган қўплаб жангчи ёзувчилар фронт газеталарига олинди. Улар орасида Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Раҳмат, Назармат, Адҳам Ҳамдам, Тўғон Эрназар, Иброҳим Раҳим, Раҳимжон Сатторов кабилар бор эди. Жангчи — ёзувчилар узларининг ҳикоя, очерк, корреспонденция, лавҳа, репортажлари билан фронт ва мамлакат ичкарисидаги газеталарнинг мавзу ва жанрлар доирасини кенгайтирдилар.

Уруш даврида 14 номда ўзбек тилида чиқиб турган фронт газеталаридан бири «Фронт ҳақиқати» фашист босқинчиларига қарши фронтда қўмондонликнинг жанговар топшириқларини намунали бажарганлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Узбек тилидаги фронт газеталари фақат ўзбек жангчилари ўртасидагина эмас, балки Ўрта Осиёлик барча миллат вакиллари ўртасида ҳам душманга нисбатан кучли маънавий қурол сифатида хизмат қила олди. Бугина эмас, фронт газеталари жангчи ва офицерлардан ёш қаламкаш ҳарбий мухбирлар армиясини тарбиялаб вояга етказди. Шундай ҳарбий мухбирлардан бири — Адҳам Раҳматдир.

Адҳам Раҳмат бевосита фронтларда ажойиб очеркнавис бўлиб етишди. У ўзбек жангчиларининг қаҳрамонлиги тўғрисида ўзи муҳаррирлик қилган «Қизил аскарлар ҳақиқати» газетасида жуда кўп очеркларини чиқарди. Бу очерклар уруш ҳужжатлари сифатида улкан муҳораба тарихини яратишда катта аҳамиятга молик. Уларда дўстлик, халқчиллик ғоялари, Ватан тушунчаси кенг талқин қилинган. Бу ғоялар унинг «Одер қаҳрамони», «Гвардиячи полковник Шодмон Умаров», «Ҳар ерда ғолиб жангчи», «Қасоскор Жуман», «Днепр жангларининг қаҳрамони», «Қалбларимизда мангу яшайди» каби унлаб очеркларида ўз ифодасини топган.

Узбек жангчиларининг Гитлер қўшинларига кетма-кет зарбалар бериб, уларни тор-мор этишда мисли кўрилмаган шижоат ва қаҳрамонликлари, мардлик ва жасоратлари Адҳам Раҳмат илҳомини жўш урдирди. Узларининг номини тарихимизга олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирган қаҳрамонлар тўғрисида, мард хотин-қизлар ҳақида Адҳам Раҳмат 30 дан ортиқ китоб яратди. Шу китобнинг биттаси — «Эллик бир баҳодир» ҳақида атоқли ёзувчи Ойбек мана бундай баҳо берганди: «Очерклар тўпламининг муаллифи халқимизнинг азиз, мангу ҳаёт ўғлонлари қаҳрамонлигини фронтда ўзи кўрган ва эшитган, улар тўғрисида қунт билан материаллар йиққан. Бизнинг аскарларимиз йиртқич фашистларга қарши улуғ курашда Ватаннинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир сиқим тупроғи учун фидокорона жанг қилдилар, бир қанчалари урушиб қон тўкиб ҳалок бўлдилар. Улар учун бу асар кичик бир ҳайкалдир».

«Ҳарбий мухбирлар, — деган эди Адҳам Раҳмат бир суҳбатимизда, — ўз қаҳрамонининг ҳаётини ўрганиш учун унинг ўзидан сўраб ёзмасди. Бу менинг бошимдан кечган. Уруш даврида 100 дан ортиқ очерклар, кўплаб лавҳа, репортаж, ҳикоялар ёзганман. Асарларим қаҳрамонлари ҳаётини кенг ва батафсил ўрганиш учун улар билан бирга ротама-рота, ҳандақма-ҳандақ юришга тўғри келарди. Қисқа дам олиш пайтларидагина айрим эпизодларни қаҳрамонлардан сўрашга тўғри келарди. Қолганлари ёзувчининг кўрган-кечирганлари, адабий тил билан айтганда ҳаётий, аниқ фактлар». Ёзувчининг «Қасоскор Жуман» очерки ана шундай ҳаётий воқеалар асосида ёзилган. Урушнинг ҳали англаб етмаган Жуман Қорақулов ҳарбий хизматга чақирилган дастлабки кунларда тинимсиз машқ ва ҳарбий таълимнинг аҳамиятига унча эътибор бермайди. Жуман ёв устига қилич ўйнатиб, бургутдай шиддат билан бостириб боришни хаёлига келтириб юраради. Лекин орзу бошқа, талаб бошқа экан. Буни ўқчи дивизияга келгандан кейингина билди. У дивизиянинг 120-ўқчи полкида оддий жангчи бўлиб қолди. Полкда ўзига ўхшаш қишлоқдан келган қозоқ, узбек, тожик йигитлар кўп эди. Улар илгари қўлларига бирор марта бўлса ҳам милтиқ тутмаган, қурол нималигини билмаган оддий йигитлар эди. Энди улар милтиқни ва бошқа жанговар қуролларни пухта ўрганиб олишлари ва уларни жангда моҳирона ишлата билишлари керак бўлади.

Жуман моҳир жангчи бўлиб етишиш учун ҳарбий таълим ва машқ тактикасини ўташи гоятда зарур эканлигини англаб етади. Шунинг учун у командирнинг ҳар қандай буйруғини уруш даврида жанговар вазифа ва бурчи сифатида астойдил бажаради. Шу тариқа «қишлоқи йигит» тезда ҳарбий санъатни пухта эгаллаган моҳир автоматчи бўлиб етишади. Армия Жуманни ҳам кўп қатори Ватанга, халқига муҳаббат, фашист босқинчиларига нафрат билан қарайдиган, ҳарбий фанни ва техника ютуқларини пухта эгаллаган, мустаҳкам иродали, жанговар курашчи қилиб тарбиялайди. Жуман қисмидаги жангчилар билан ака-укадай меҳрибон бўлиб кетади. У жангларда ўртоқларига намуна бўлиб душман билан олишади.

Халқлар Ватан йўлида кўпгина қурбонлар ҳам берди. «Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлмоқ афзал» деган ҳикматли сўзнинг қудрати ана шу улуғ ғалабада намоён бўлди. Халқнинг бу эътиқодини Адҳам Раҳмат Жуманнинг жасоратида аниқ кўрсатади: «фашист пулемёти билан яккама-якка олишган Жуман Қорақулов ёнига взвод командири Мелешков, жангчи Сарвинский етиб борганларида Қорақулов пулемёт ёнидаги тепаликда зурға-зурға нафас олиб, икки қўлини чўзган ҳолда чўзилиб ётарди...»

Хуллас Адҳам Раҳматнинг уруш даврида фронт газеталарида чиққан ижод намуналари билан танишар эканмиз, ҳарбий мухбирлик фаолияти ҳалигача чуқур ўрганилмаганлиги кишини ўйлантиради. Ахир А. Раҳмат каби фронт газетларида қанчадан-қанча ҳарбий жангчи мухбирлар ишлади. Улар фақат фронт газеталарининигина эмас, мамлакат ичкарисидаги газеталарнинг ҳам мавзу ва жанрлар доирасини кенгайтирди. Натижада газета ёзувчи ва мухбирларимизга фронт ҳаётининг ҳаққоний манзарасини чизиш, уруш қаҳрамонларининг портретини яратиш, шу орқали муқаддас урушнинг туб моҳиятини очиш имконини беради. Қоларверса, жангчи мухбирларнинг фронт газеталари саҳифаларида ёритилган халқимиз фарзандларининг жасоратлари, қаҳрамонликлари ўнлаб йирик асарларга етгулик бой материаллар беради. Бу материаллар, жасоратномалар бугунги авлод учунгина эмас, келажак насллар учун ҳам бекиёс мардлик мактаби, ибрат мактаби бўла олади.

Ў. НУРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.

«Қизил Армия ҳақиқати» фронт газетаси ходимлари (чапдан) Адҳам Раҳмат, Ҳамид Файзий, Иброҳим Раҳим, Абдулла Шарофиддинов (1943 йил).

ҚУРОЛДОШ ҚАРИЯЛАР ГУРУНГИ

Польша. 1945 йил. Муҳиддин Камолов (ўнгдан иккинчи) ўз полкдошлари билан.

Қўшнимиз Муҳиддин ака билан маҳалламиз отахонларидан бўлган Аҳмаджон амакини кўргани кетаётганимизда ёнимизга бир машина келиб тўхтади. Машинадан чиққан қарияни таниб қолдим. Ҳамидулла ака билан салом-алик қилишгач мақсадларини айтдилар.

— Аҳмаджон дўхтирникига аёлларига кечроқ бўлсада фотиҳа ўқигани келаётган эдик, уйлари бироз ёдимиздан кўтарилиб турибди. Кеча Эргашвой шаҳарга тушган экан воқеадан хабардор бўлиб қолибди. Шунга келаётган эдик.

— Бизлар ҳам шу кишиникига кетаётган эдик, юринглар бўлмаса.

Яқинда қадрдон кампиридан ажралиб қолган отахонимиз Аҳмаджон аканинг бироз мазалари қочиб қолгани табиий эди. Лекин бизларни кўрган тўқсон бир ёшли отахон буни сездирмасликка ҳаракат қиларди. У киши ҳар биримиз билан қучоқлашиб кўришардилар. Анча йиллардан бери учрашмаган бўстонлиқлик ва чирчиқлик дўсти-ёронларини кўриб қувонардилар. Аҳмаджон амакининг энг кичик фарзанди Дилшод билан унинг ўғиллари меҳмонларга нон, чой, ширинликлар кўтариб келишарди. Жажжи набиралар бувалари ёнидан кетишмас, уни қучоқлашар, атрофида парвона эдилар. Қариялар суҳбати анча давом этди. Ёшлик йилларини эслашди, йигирманчи йиллардаги ташвишлар, ўттизинчи йиллардаги қурбонлар ва ниҳоят урушда ном-нишонсиз кетган маҳалладошлар эсга олинди. Бир кўзидан ажралиб келган Усмон ака Тўлаганов, ярадор бўлиб қайтган дўхтир Тўлаган Оқмирзаев, кўкраги орден ва медалларга тўла «Кичик ер» жанг майдони қаҳрамонларидан бўлган Абдураззоқ Валиев, урушдан иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтган Аҳрор Қориев ва бошқа маҳалладошлар, оламдан ўтган уруш ва меҳнат фахрийлари ака-ука Мақсудхўжа ва Эшонхўжа Муҳиддиновлар, Маҳмудхўжа Зиёвуддинов, Орифхон Азимбоев, Турсунхўжа Нажмиддинов, Акромхўжа ота, Маҳсум ота, Улмас ота, Носир ота ва бошқа кўпгина отахонларнинг ўз халқи бахти-саодати йўлида қилиб ўтган саъй-ҳаракатлари, Ватан учун, она шаҳри ва маҳалласи учун кўрсаттан жонбозликлари эсланди. Мен девор қўшним раҳматлик Ҳамид Азимовнинг урушдан ярадор бўлиб келиб анча вақт мазалари бўлмай етиб қолганларини эслатаман. У киши урушга ўн еттига тўлар-тўлмас кетганликлари, ёвга қарши бутун вужудини бериб курашганликлари, аёвсиз жангларда бир неча бор ярадор бўлганликларини эшитгандим. Бир қўлларининг суяклари майдаланиб кеттанлиги, лекин дўхтирлар уни бир амаллаб жойига қайта тиклаганликларини билардим. Урушдан кейин халқ хўжалигида ишлаб юрдилар. Аммо уруш ўз таъсирини билдирди. Ҳамид ака ҳаётдан анча эрта кўз юмдилар. Ҳамид аканинг акалари Узбекистонда хизмат кўрсаттан артист Ғофир ака Азимов ҳам уруш фахрийси эдилар. Халқ артисти Тамарахоним ансамблида фронтларда бўлиб аскарларимизга ёвни мажақлашда мададкор бўлганликлари ва урушдан кейин эса маҳалламиздаги кўп ёшларни санъатга тортишда улкан хизматлари борлигини эслаб ўтдилар.

Ғофир ака уйлари олдидаги бўш майдончага ток кўчатлари экиб парвариш қилардилар. Уша узумлар ҳосилга кирди. Ёзда узум тагида маҳалла болалари, қария ва кампирлар дам олиб ўтиришади, уй бекаси Ҳалима опа уларга бир пиёла чой қуйиб беради. Ҳар гал Ҳусниддин Асомов кўчасида жойлашган Ғофир акамиз уйлари олдидан ўтганимда қарияларимизнинг «яхшидан боғ қолади» деган гапларига ишонч ҳосил қиламан.

Суҳбатимиз асосида маҳалламиз қарияси Аҳмаджон ота Ёқубжоновнинг уруш даврида Ғарбий фронтнинг 316-ўқчи дивизиясида хизмат қилганини, медицина хизмати майори сифатида қанчалаб жангчиларимизни ўлим чангалидан юлиб олганлигини, юзлаб қуролдошларига малҳам бўлганлигини билиб оламиз. Унинг кўкрагидаги қатор орден ва медаллар бундан дарак бериб турибди. Отахон 1933 йили ТошМИни битириб Қашқадарёда, Нурота районида ва Бухоро вилоятидаги касалхонада докторлик қилади, жамоат ишларида фаол қатнашади, республика Қизил ярим Ой жамиятида ишлайди. Олтмишинчи йиллардан бошлаб маҳалламиздаги 21-, кейинроқ 26-поликлиникаларда кўпчиликни даволади, тажрибали терапевт сифатида шогирдларга ўргатди. Ўз қасамёдига содиқ бўлди. Яқинда унинг кўксини «Жасорат» медали безатди, бизлар у кишини бу юксак мукофот билан чин дилдан табрикладик.

Урушни Польша ерларида тамомлаган Аҳмаджон ота Муҳиддин акага сўз берадилар. Ота қўшниси ўғлининг урушга кетаётганида жуда ёш бўлганлиги, Тошкент қишлоқ хўжалиги ирригациялаш ва механизациялаш институти талабаси эканлигини эслатиб ўтади. Муҳиддин ака барча воқеалар отанинг эсида эканлигидан ҳайратланади. Илтимосимизга кўра Муҳиддин ака урушдаги қийинчиликларни, Севастополь алоқа полкида бўлиб кўрган-кечирганларини қисқа қилиб гапириб берди. 71-полкнинг олтинчи алоҳида кабелли алоқа ротасида Қримни озод қилишда қатнашган Муҳиддин ака Украинани душмандан тозалашда иштирок этади. Донбасс, Харьков, Каховка, Львов, Драгобич каби шаҳарлар ҳамда қатор қишлоқларни озод қилишда муносиб хизмат қилади. Курск жангларида иштирок этиб душманга шериклари билан кўп талофатлар етказганликларини эслайди. Фашист босқинчиларини қувиб Чехословакиягача етиб боради. Ғалабани мамлакатнинг Яблонск шаҳрида кутиб олади. Жангчи 1955 йил ўрталаригача армия хизматида бўлади. Урушдан кейин ҳам Украина ерларида юради. У 1956 йили Тошкент молия-иқтисод институтининг сиртқи бўлимига ўқишга киради ва ишлайди. Етмишинчи йилларда Муҳиддин Камолов Тошкентнинг Киров район совети ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Куйбишев район совети ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлади. Кейинчалик бир неча йиллар давомида Тошкент педиатрия институти хўжалик ишлари буйича проректори бўлди. Муҳиддин ака урушнинг иккинчи гуруҳ ногирони сифатида пенсияга чиққан бўлсада ҳамон меҳнат қилиб келмоқда. Маҳаллада ишларга кўмаклашади, ёшларга узининг қимматли маслаҳат ва ўгитларини беради, ҳамма билан чин қунгилдан сурашади.

Заҳирадаги капитан Муҳиддин Камолов даврадаги суҳбатдошларига бир неча маҳалладан урушга кетиб ҳалок бўлганлар хотираси учун шаҳримизнинг Ишчилар шаҳарчасида ва унинг ёнидаги «Известия» бекатида ёдгорлик қуриб битирилганлиги ва яқинда уларнинг очилиш маросими ўтказилишини хабар қиладилар.

— Бундан мен ҳам жуда мамнунман, — дейди отахонлардан бири Ҳамидулла Расулов. — У киши ҳам эллигинчи йилларда шу ишчилар шаҳарчасида жойлашган медицина техникумида директор ўринбосари бўлиб ишлаган, бу атрофдаги кўп фронт қатнашчилари ва фахрийларини танир эди. Урушни япон чегараларида тамомлаган Ҳамидулла Расулов шериклари бўстонлиқлик Буривой Қучқоров билан ҳамюрти чирчиқлик, заҳирадаги майор Эргаш Йўлдошевларнинг ҳам урушда қатнашганлигини айтади. Эргаш ака Йўлдошев ёшлигида Собир Раҳимов билан дўст бўлган экан. Собир акадаги қаҳрамонлик унинг ёшлигидаги дўстида ҳам борлигига ишондик.

Қуролдош қариялар гурунги узоқ давом этди. Биз учун бу суҳбат бир жонли тарих лавҳалари бўлиб хизмат қилади. Суҳбатимизни маҳалладошларимиз ва уларнинг қуролдош дўстлари фронтларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, халқимиз озодлиги учун ўз жонини фидо қилган ва эл-юрти деб жон қўйдирган кишиларимизнинг руҳ-поклари учун фотиҳа ўқиш билан тамомладик. Барчамизнинг қалбларимизда қандайдир енгиллик, поклик, шукрона ва меҳр-оқибат ғунчалари қайтадан ниш ургандек бўлди.

Қудрат АҲМЕРОВ,
профессор.

ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРГАНИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ

Мен Бекобод туманининг Сретенка қишлоғида туғилганман. Отам Михаил Александрович Вайнер 1943 йил 1 августда шу ердан армияга чақирилган эди. Пешонамиз шўр экан, 1944 йил 2 августда унинг Польша ҳудудида ҳалок бўлганлиги ҳақида қора хат олгандик.

Буни қарангки, эллик йилдан сўнг вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига келиб, Хотира китобини варақлаб унинг 41-саҳифасида отам қаерда ва қачон ҳалок бўлганлигини аниқ билиб олдим. Бу ҳақда китобга ёзиб қўйишибди. Падарибузрукворимизнинг хотирасини абадийлаштирганликлари учун раҳмат.

Борис ВАЙНЕР.

ҒОЛИБЛАРНИ ШАРАФЛАБ

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши Тошкент вилоят ва шаҳар партия кенгашлари билан биргаликда фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига тантанали қабул маросими ўтказди.

Унда ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов йиғилган фахрийларни яқинлашиб келаётган байрам билан табриклаб, ўзбекистонлик жангчиларнинг қаҳрамонлиги, халқимизнинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ғалабани таъминлаган муҳим омиллардан бўлганини таъкидлади.

Ўзбекистон фахрийлари ташкилотлари уюшмасининг раиси Б. Раҳимов мамлакатимизда уруш қатнашчиларига катта ғамхўрлик кўрсатилаётганини алоҳида қайд этиб, миннатдорчилик билдирди.

Кўргазма

ҲАЁТ МАДҲИЯСИ

Ўзбекистон давлат санъат музейида фашизмга қарши уруш фахрийси ва қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Самиғ Абдуллаев асарлари кўргазмаси очилди.

Музейнинг тўртта залида рассомнинг 175 дан ортиқ асарлари намойиш қилинмоқда. Булар жонажон ўлка, меҳнат аҳли ҳақида меҳр ва илҳом билан, бўёқлар ёрдамида ҳикоя қилаётган мўйқалам устасининг сўнгги 5 йилдаги ижоди якунидир.

Кўргазманинг бир бўлими рассомнинг дўстлари ва фронт йўлларида, суронли жангларда қадрдон бўлиб қолган жанговар сафдошларига бағишланган. Уларнинг кўплари кўргазмага келишди, уруш йилларида 6 мингтадан ортиқ ажал минасини йўқ қилиб ташлаган сапёр Самиғ Абдуллаевнинг ҳарбий жасорати ва шонли жанговар меҳнати ҳақида тўпланганларга фахрланиб сўзлаб бердилар.

Кўргазмани очиш маросимида Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэро Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА мухбири).

СПОРТ

Футбол

«ПОЛИТОТДЕЛ», НИМА БЎЛДИ?

«ПОЛИТОТДЕЛ» яна ютқазди. Бу сафар қишлоқ футболчилари Муборак шаҳрида республика олий табақасида биринчи марта қатнашаётган «Машъал» меҳмони бўлиб, 0:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Мазкур учрашувни Узбекистон радиоси орқали шарҳлаб борган журналист «Политотдел» мураббийси В. Бондаренко жамоадан кетганлигини, унинг вазифасини вақтинчалик Рустам Мирсодиқов бажариб турганлигини маълум қилди. Вилоятимиз футболчилари бу йил мавсумни жуда ёмон бошладилар. Улар беш учрашувнинг иккитасини дуранг қилиб, учтасида ютқазишди. Мана, навбатдаги олтинчи турдаги мағлубиятдан сўнг уларнинг аҳволи янада мушкуллашди. Олти учрашувда бор-йўғи икки очко тўплаган «Политотдел» жадвалнинг энг сўнггги поғонасида турипти. Футбол мухлисларининг севимли жамоаларидан бу йил умидлари катта эди. Ўтган мавсумда узоқ вақт кучли учликда борган, уч карра мамлакат чемпиони «Нефтчи» билан дуранг ўйнаган, «Пахтакор» билан ўзаро баҳсда тарози палласини ўз томонига оғдира олган «Политотдел» бу йил янада юқорироқ ўринни эгаллайди, деб умид қилган эдик. Афсус...

Жамоадаги аҳвол жиддий таҳлил қилиниб, тезда зарур чора-тадбирлар кўрилмас экан, имконият бой берилиб, футболчиларимиз мухлислари олдида уялиб қолишлари турган гап.

1993 йил кеч кузидан бери, яъни 51 учрашувдан буён мағлубият нималигини билмаётган «Нефтчи» футболчилари мазкур турда жадвалдаги ён қўшнилари Жиззахнинг «Суғдиёна» жамоасини қабул қилиб, йирик 5:1 ҳисобида устун келдилар ва олти ўйинда имкониятдаги юз фоиз очкони тўплаб, ҳамон якка пешқадамлик қилишмоқда. Чирчиқ шаҳрида меҳмон бўлган «Пахтакор» 3:1 ҳисобида ғолиб келиб, 13 очко билан жадвалда иккинчи ўринга кўтарилди. «Темирйўлчи» жамоасини 3:1 ҳисобида енгган «Нурафшон» ҳисобида эса 12 та очко бор. Олтинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Навруз» — 0:0, «Янгиер» — АСК — 3:0, «Навбаҳор» — МҲСК — 1:1, «Атласчи» — «Трактор» — 1:0.

«ҒАЗАЛКЕНТ» ЮТДИ, АММО...

МАМЛАКАТ биринчилиги биринчи гуруҳи, иккинчи минтақасида пешқадамлик қилаётган вилоятимизнинг «Ғазалкент» футболчилари навбатдаги турда яна ғалабага эришдилар. Улар бу сафар ўз майдонларида Қибрайнинг «Маданият» жамоасини қабул қилишиб, 2:0 ҳисобида устун келишди. Бироқ биринчилик низомини бузганликлари учун қибрайлик футболчилар ўйиндан норози бўлиб, футбол уюшмасига раддия бердилар. Биринчилик низомига мувофиқ бу гуруҳ жамоалари учрашув давомида беш ўйинчини алмаштиришлари мумкин. Бироқ «Ғазалкент» мураббийси Бахтиёр Пўлатов эҳтиросга шунчалик берилиб кетдики, у олти ўйинчини алмаштириб, низомнинг бу моддасини бузди. Ўзбекистон футбол уюшмаси спорт техника назорати ҳакамлари бу ҳолни қандай баҳолашар экан?

Шу турнинг қолган учрашувлари натижалари билан танишинг: «Боғдодчи» — «Кушон» — 1:0, «Кимёгар» — «Гулистон» — 1:0, «Бахт» — «Шаҳрихон» — 1:0, «Норин» — «Навруз» — 0:1, «Мебелчи» — «Чилонзор» — учрашуви 17 майга кўчирилди.

* * *

Биринчи гуруҳнинг биринчи минтақасида вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Бекободнинг «Металлург» футболчилари Тошкентда «Истиқлол» командаси билан учрашиб, 3:1 ҳисобида устун келишди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Шохмот

УЧИНЧИСИ ОРТИҚЧА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 60-юбилей шохмот биринчилигида энг кучли 16 шохмотчи қатнашиши лозим эди. Бироқ мусобақанинг деярли ўн кун кечикишими ёҳуд бошқа сабабларданми кучли спортчилар, халқаро гроссмейстерлар А. Ненашев, Г. Серпер, В. Логинов, С. Загрибельний, халқаро миқёсдаги спорт усталари М. Салтаев, С, Нодирхонов, Р. Зиёвуддинов ва бошқалар иштирок этишмаганлиги туфайли баҳслар қизиқарли ўтди дея олиш мушкул. Чемпионлик унвони учун ўн шохмотчи дона сурди. Низомга кўра дастлабки тўртта ўринни эгаллаган спортчи Тошкентда ўтадиган жаҳон саралаш мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритарди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда 4 йўлланма учун ўзига хос баҳс бўлди. Шуҳрат Сафин етти очко билан биринчи ўринни эгаллади ва Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Ғолибдан бир очко орқада қолган Тоҳир Воҳидов иккинчи йўлланма эгаси бўлди. Уч шохмотчи Владимир Егин, Сайдулла Йўлдошев ва Марат Жумаевлар 5,5 тадан очко тўплашди. Ана шу уч шохмотчи ўртасида қўшимча икки даврали баҳсда қолган иккита йўлланма эгаси маълум бўлади.

Ҳар тўғрида

ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ РЕКОРДИ

ТОКИО электротехника университети лабораторияларида электромобилнинг янги тажриба нусҳаси яратилди. 3200 километрга ўтказилган синов пойгаси муваффақиятли якунланди. Токиодан мамлакат жанубидаги Кагосима шаҳаригача бўлган 16 кунлик сафар вақтида машинада биронта носозлик қайд этилмади.

Автопойганинг ўртача тезлиги соатига 80 километрни ташкил этди. Баъзи жойларда машинанинг тезлиги соатига 100 километргача етди. Энг янгилик томони шундаки, янги машина 15 километр йўлга бор-йўғи бир киловатт электр қуввати сарфлади, холос. Аккумулятор батареялари фақат тунда ва тушлик овқат вақтида зарядланди.

Ихтирочиларнинг таъкидлашича, улар яратган модель жаҳондаги мавжуд электромобиллардан 30 фоиз кучлироқ ва табиий газ билан ишлайдиган машиналарга нисбатан 3 маротаба самаралироқдир. Экологик тоза, икки ўринли бу машиналарнинг баҳоси у кенг қўламда ишлаб чиқаришга қўйилгач, 15 минг долларгача тушиши мумкин.

Ҳар тўғрида

ҚЎНҒИЗЛАР БОЗОРИ

ТОКИО яқинида дунёда яккаю ягона ва жуда ғаройиб деҳқон бозори бор. Бу ерда фақат қўнғизлар билан савдо-сотиқ қилинади.

Шаркда қуёшни биринчи бўлиб қаршилайдиган бу мамлакатнинг кўпчилик аҳолиси ҳашоратларни тўплаш ва кўпайтиришга азалдан одатланган. Бу бозорга турли шаҳар ва ўлкалардан фақат ҳашорат йиғувчиларгина эмас, балки уларнинг ниҳоятда ноёб турларини учратиш ва сотиб олиш дардида бўлган анчайин таниқли олимлар ҳам ташриф буюришади. Кейинги вақтларда бу ерда улкан миқдордаги ҳашоратлар билан савдо-сотиқ қилинишидан ҳавотирга тушиб қолган экологларни тез-тез учратиш мумкин. Уларнинг бу ажойиб-ғаройиб муассасани ёпишга қурбилари етмади, сотувчиларга фақат «зарарли ҳашоратларни кўпроқ ва фойдали ҳашоратларни камроқ сотинглар» деб панд-насиҳат қилишди. Деҳқонлар бунга жавобан мийиғларида кулиб қўяқолишди, холос...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0195. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қогоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6